

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**МАХМУДОВ ДИЛШОДБЕК ЭРГАШБЕКОВИЧ**

**НУТРИГЕНЕТИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ОВҚАТЛАНИШ  
РЕЖИМИНИ ПЕРСОНИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ СПОРТ  
МУВОФФАҚИЯТИНИ ОШИРУВЧИ ЁНДОШУВЛАРНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2024**

**Тиббиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора медицинских наук (DSc)**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Medical Science (DSc)**

**Махмудов Дилшодбек Эргашбекович**

Нутригенетик технологиялар асосида овқатланиш  
режимини персонификация қилиш орқали спорт  
мувоффақиятини оширувчи ёндошувларни ишлаб чиқиш..... 3

**Махмудов Дилшодбек Эргашбекович**

Разработка подходов к повышению спортивной  
успешности путем персонификации пищевого  
режима на основе нутригенетических технологий..... 33

**Makhmudov Dilshodbek Ergashbekovich**

Development of approaches to improve sports  
success by personifying the nutritional regime  
based on nutrigenetic technologies..... 63

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 69

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.10/30.12.2019.Tib.69.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ  
БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ АМАЛИЙ МАРКАЗИ**

**МАХМУДОВ ДИЛШОДБЕК ЭРГАШБЕКОВИЧ**

**НУТРИГЕНЕТИК ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ОВҚАТЛАНИШ  
РЕЖИМИНИ ПЕРСОНИФИКАЦИЯ ҚИЛИШ ОРҚАЛИ СПОРТ  
МУВАФФАҚИЯТИНИ ОШИРУВЧИ ЁНДОШУВЛАРНИ ИШЛАБ  
ЧИҚИШ**

**14.00.38 – Спорт тиббиёти**

**ТИББИЕТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2024**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2023.1.DSc/Tib882 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.sportmed.uz](http://www.sportmed.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчи:**

**Садиков Абдушукур Абдужамилевич**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Поляев Борис Александрович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Гаврилова Елена Анатольевна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор  
(Россия Федерацияси)

**Гильдиева Маргарита Сабировна**  
биология фанлари доктори,  
катта илмий ходим

**Етакчи ташкилот:**

**Андижон давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ҳузуридаги PhD.10/30.12.2009.Tib.69.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2024 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100027, Тошкент, Олмазор кучаси 6-уй. 3-қават мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 241-38-03; факс: (+99871) 241-30-93, e-mail: [medsport@gmail.com](mailto:medsport@gmail.com)).

Диссертация билан Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100027, Тошкент, Олмазор кучаси 6-уй. 3-қават мажлислар зали. Тел/факс: (+99871) 241-38-03.

Диссертация автореферати 2024 йил «\_\_» «\_\_\_\_\_» куни тарқатилди.

(2024 йил «\_\_» «\_\_\_\_\_» даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Р.Мавлянов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.М.Рахимова**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, биология фанлари доктори, катта илмий ходим

**А.А.Хаджиметов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда бугунги кунда замонавий спортда юқори натижаларга эришиш учун тажриба шароитларда шуғулланиш самарадорлиги ва спортчилар саломатлигига жисмоний юкламанинг таъсири ўртасида ижобий мувозанат зарур. Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бош Ассамблеясининг 2010 йил 22 сентябрдаги «...спорт минг йиллик декларацияда шакллантирилган ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришишда ҳисса қўшади ва турғун ривожланишни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади...»<sup>1</sup> деб белгиланади. Дунёда спортчилар озуқаланишини кўллаб қувватлаш, шунингдек, уларни овқатланишига индивидуал ёндашишга алоҳида эътибор қаратилади. Рационда асосий озуқа компонентлари номутаносиблиги, овқатланиш тартибининг бузилиши, шунингдек, рационнинг энергия истеъмоли ва энергия сарфига нисбатан етарли эмаслиги метаболик бузилишларга олиб келади. Спортчилар соғлом овқатланишининг такомиллашган тизими бўйича услубий кўрсатма ишлаб чиқиш, энергия эҳтиёжи ва спорт туридан қатъий назар, спортчилар учун маҳаллий маҳсулотлар рўйхатидан индивидуал овқатланиш тартиби ва мақбул таомнома танлаш спорт тиббиёти соҳаси ходимлари олдида турган ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳонда нутригенетик технологиялар асосида овқатланиш режимини персонификация қилиш орқали спорт мувоффақиятини оширувчи ёндошувларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада спорт билан шуғулланмайдиган ҳамда турли хил спорт билан шуғулланадиган спортчилари орасида метаболизм учун масъул бўлган генларнинг аллел-генотипик вариантлари (ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2) хусусиятларини баҳолаш, ретроспектив тадқиқот маълумотларига кўра турли ихтисосликдаги юқори малакали спортчиларнинг морфометрик кўрсаткичларни қиёсий жиҳатдан баҳолаш ҳамда ретроспектив таҳлил натижалари асосида юқори малакали спортчиларнинг клиник, лаборатор ва биокимёвий таҳлиллари маълумотларини таққослашга қаратилган илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, турли спорт тури билан шуғулланадиган спортчиларнинг касалликларни олдини олишда тўғри мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан

---

<sup>1</sup>Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бош Ассамблеяси «...спорт минг йиллик декларацияда шакллантирилган ривожланиш соҳасидаги мақсадларга эришишда ҳисса қўшади ва турғун ривожланишни таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади...» 2010 йил 22 сентябр

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ҳолда, жумладан, нутригенетик технологиялар асосида овқатланиш режимини персонификация қилиш орқали спорт мувоффақиятини оширувчи ёндошувларни ишлаб чиқишни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»<sup>3</sup>, 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон «ЎЗР жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сон «Аҳолини соғлом овқатланишни таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5281-сон «2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги олимпия ва XVII паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида»ги қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 февралдаги «2019-2023 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 118-сон қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи<sup>4</sup>.** Нутригенетик технологиялар асосида овқатланиш режимини персонификация қилиш орқали спорт мувоффақиятини оширувчи ёндошувларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан: University of Washington, University of Illinois Chicago (АҚШ); Universität Ulm am Bezirkskrankenhaus Günzburg (Германия); ННО Kinki-Chuo Chest Medical Center; Katano Hospital (Япония); University of Monash, University of Newcastle (Австралия); Chinese Academy of Medical Sciences (Хитой); University of Zhengzhou (Хитой); University of Beijing (Хитой); Shin-Aikai University of Hong Kong (Гонк-конг); Near East University (Кипр); Cardiff Metropolitan University (Буюк Британия); California State University (АҚШ); University of Arizona (АҚШ); University of Toronto (Канада); University of Eastern Finland (Финляндия); Laval University (Канада); Baylor University (АҚШ); Istituto di Medicina Genomica (Италия); University of

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида» ги Фармони.

<sup>4</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.washington.edu](http://www.washington.edu), [www.uic.edu](http://www.uic.edu), [www.ku.edu](http://www.ku.edu), [www.kcmc.hosp.go.jp](http://www.kcmc.hosp.go.jp), [www.monash.edu](http://www.monash.edu), [www.newcastle.edu.au](http://www.newcastle.edu.au), [www.cucas.cn](http://www.cucas.cn), [www.zzu.edu.cn](http://www.zzu.edu.cn), [www.pku.edu.cn](http://www.pku.edu.cn), [www.cuhk.edu.hk](http://www.cuhk.edu.hk), [www.neu.edu.tr](http://www.neu.edu.tr), [www.cardiffmet.ac.uk](http://www.cardiffmet.ac.uk), [www.calstate.edu](http://www.calstate.edu), [www.arizona.edu](http://www.arizona.edu), [www.utoronto.ca](http://www.utoronto.ca), [www.uef.fi](http://www.uef.fi), [www.ulaval.ca](http://www.ulaval.ca), [www.baylor.edu](http://www.baylor.edu), [www.iigm.it](http://www.iigm.it), [www.unimelb.edu.au](http://www.unimelb.edu.au), [www.unizar.es](http://www.unizar.es), [www.sportmed.uz](http://www.sportmed.uz), сайтлар асосида ишлаб чиқилган

Melbourne (Австралия); Universidad de Zaragoza (Испания); Республика спорт тиббиёти илмий амалий маркази (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Нутригенетик технологиялар асосида овқатланиш тартибини персонификация қилиш орқали спорт мувоффақиятини оширувчи ёндошувларни ишлаб чиқиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқотлар асосида қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган:: сурункали хасталикларни олдини олиш ва самарали даволаш тартибини татбиқ этишда ўсимлик маҳсулотларининг нутригеномик ва нутригенетик ассоциацияларни ўрни ва аҳамиятини баҳолаш механизмлари ишлаб чиқилган University of Near East (Кипр); кишки спорт турларига ихтисослашган спортчиларда персоналлаштирилган овқатланишнинг ўрни баҳоланган University of Toronto (Канада); D витамин нутригеномикаси ва спортчиларнинг спорт натижалари ва иммун тизимини оширишда аҳамияти исботланган (University of Eastern Finland (Финляндия); аҳолининг турли қатламлари орасида инсон генетикаси, овқатланиш ва саломатлик ҳолатини орасидаги боғлиқлиги кўрсатиб ўтилган (University of Laval (Канада); нутригеномика инсонларнинг генлари полиморфизмига қараб озиқ-овқат маҳсулотлари ва биологик фаол моддаларга бўлган эҳтиёжини инобатга олиниши тартиби ишлаб чиқилган Istituto di Medicina Genomica (Италия); кунлик рацион таркибидаги нутриентив ўзгаришларнинг моддалар алмашинуви касалликлари асоратлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлиги исботланган (University of Catania, Италия); овқат рациони таркибида ишлатиладиган биологик фаол қўшимчаларнинг биологик ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий меъёрий базаси ишлаб чиқилган (University of South Dakota State University, АҚШ); овқатланиш ва регидратация мониторинги, спортчиларнинг жисмоний ва функционал тестларини баҳолаш усуллари бўйича услубий қўлланмалар ишлаб чиқилган. (Республика спорт тиббиёт илмий амалий маркази, Ўзбекистон).

Дунёда нутригенетик технологиялар асосида овқатланиш тартибини персонификация қилиш орқали спорт мувоффақиятини оширувчи ёндошувларни ишлаб чиқиш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда: турли хил спорт билан шуғулланадиган спортчилари орасида метаболизм учун масъул бўлган генларнинг аллел-генотипик вариантларини (ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2) хусусиятлари асослаш, турли ихтисосликдаги юқори малакали спортчиларнинг морфометрик кўрсаткичларни қиёсий жиҳатдан баҳолаш ҳамда ретроспектив таҳлил натижалари асосида юқори малакали спортчиларнинг клиник, лаборатор ва биокимёвий тадқиқотлари маълумотларини асослаш; спорт турининг энергетик талабидан қатъи назар, спортчининг индивидуал овқатланиш тартиби, уларнинг соғлиги ва жисмоний қобилиятига ижобий таъсир этувчи маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини ҳамда оптимал овқатланиш таомномасини ишлаб чиқиш; юқори малакали спортчилар учун индивидуаллаштирилган овқатланиш бўйича экспериментал ва услубий тадқиқотларни амалга ошириш тартибларини такомиллаштириш.

**Муаммонг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон илмий адабиётларида келтирилган бир қатор олимларнинг кўплаб тадқиқотлари натижасида машғулот жараёнларини бошқаришда юқори малакали спортчиларнинг овқатланишига индивидуал ёндашиш муаммоси спорт устаси даражасини оширишга сабаб бўладиган натижалар уларнинг соғлиғини ўрганиш учун катта аҳамият касб этади. Ҳозирги вақтда турли мутахассис ва тоифадаги спортчиларнинг ҳақиқий овқатланишини баҳолашга бағишланган илмий ишлар салмоғи ортиб бормоқда (Potgieter, S., 2013). Индивидуал овқатланиш рационини тузиш, спортчиларни тайёрлашда уни тўғри ташкил қилишда асос ҳисобланади, юқори жисмоний юклама фонида организмда мослашувчан жараёнларни шакллантириш учун қулай шароит яратади (McAdam J., 2018). Рацион мувозанатининг бузилиши, юқори ва доимий жисмоний юкламаларда овқатларнинг ўхшашлиги спортчилар саломатлиги натижаларига салбий таъсир қилади (Bratland-Sanda S., 2013). Турли ёшдаги ва ҳар хил спорт турлари билан шуғулланувчи спортчилар контингентининг овқатланиш соҳасидаги кўплаб тадқиқотларга кўра, ҳақиқий овқатланишида жиддий характердаги маълум бузилишлар кузатилади (Г.А.Азизбекян, 2019; Э.С.Токаев, 2021). Ҳайвон ёғлари, углеводлар истеъмолининг номуносивблиги, энергия сарфланиши ва истеъмоли ўртасидаги салбий (манфий) мувозанат, макронутриентлар мажмуида мувозанатнинг бузилиши спортчилар саломатлигига ва организмга тизимли даражада салбий таъсир кўрсатувчи метаболик бузилишларга олиб келади (А.К.Кульназаров, 2019). Спортчилар тўқнаш келадиган қўшимча муаммоларга тартибсиз овқатланиш, кўп овқат истеъмол қилиш, маҳсулотлар таркибида биологик фаол қўшимчаларнинг борлиги ҳисобланади. Етарли миқдорда овқатланмаган ёки нотўғри танланган рациондаги овқат истеъмол қилган спортчилар юқори даражада спорт натижаларни бермаслиги, жисмоний иш қобилияти пасайиб, касалланиш даражасини ортишга шароит яратилганлиги кўрсатиб туради.

Ўзбекистонда юқори малакали спортчилар овқатини баҳолаш, уларнинг саломатлигига таъсир қилувчи омиллар, шунингдек, шуғулланиш машғулотларини ўзига хос ташкил қилишни ўрганишга бағишланган унча кўп бўлмаган миқдорда тадқиқотлар ўтказилган (Шайхова Г.И., 2020; Ҳудойберганов А.С., 2021; Эрматов Н.Ж., 2023). Ҳозирги вақтда Ўзбекистоннинг эшкак эшувчи–академиклар терма жамоасининг йиллик даврида энергия сарфланишини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Мальков А.В., 2022). Ўтказилган тадқиқотларга кўра, спортчилар овқатланишини ташкил қилишда индивидуал ёндашув ушбу усул самарадорлигини кўриб чиқади (Халилов А.М., 2018), организмнинг жисмоний юкламасига мослашувчан жараёнларни баҳолаш мақсадида лаборатор ва клиник кўрсаткичлар билан спорт натижаларини таҳлил қилиш ва таққослаш муҳимдир (Омаров Р.С., 2014; Мальков А.В., 2022).

Юқоридагиларни эътиборга олиб, нутригенетик технологиялар асосида овқатланиш тартибини персонификация қилиш орқали спорт мувоффақиятини оширувчи ёндошувларни ишлаб чиқиш, спортчи танасининг

фенотипик ва генетик ҳолати нуқтаи назаридан овқатланиш ҳолатини ўрганиш, спортчи организмидаги метаболик жараёнлар асосида унинг генетик мойиллигига қараб яратилган янги рационларни ишлаб чиқиш масаласи спорт тиббиётида долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадиқот муссасасининг илмий-тадиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадиқоти Республика спорт тиббиёт илмий амалий марказининг илмий тадиқот ишлари режасига мувофиқ ПЗ-20170928597 «Спорт натижаларини прогнозлаш ва ўқув-машқ дастурларини муқобиллаш учун спортчилар физиологик ҳолатини математик моделини яратиш» мавзусидаги илмий-амалий лойиҳаси дорасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади.** Юқори малакали спортчиларнинг овқатланиш тизимини нутригенетик технологиялар асосида овқатланиш рациони ва тартибини персонификациялаш йўли билан такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

турли спорт туридаги юқори тоифали спортчилар ва спорт билан шуғулланмайдиган шахсларлар орасида ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 генлари аллел-генотип вариация ташувчиларининг хусусиятларини баҳолаш;

турли спорт туридаги юқори малакали спортчиларнинг морфофункционал ва клиник-лаборатор кўрсаткичларининг хусусиятларини аниқлаш;

ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 генларининг аллел-генотипик вариантларини ташишни ҳисобга олган ҳолда турли спорт турлари бўйича юқори малакали спортчиларнинг аниқланган морфофункционал ва клиник лаборатор параметрлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

турли спорт турлари бўйича спортчиларни генотиплаш натижаларига кўра овқатланиш турларига генетик жиҳатдан боғлиқлик асосида тадиқот гуруҳларини аниқлаш;

генетик жиҳатдан аниқланган рацион турларига қараб спортчиларнинг тезлик-куч параметрларини ва жисмоний кўрсаткичларини баҳолаш;

турли спорт туридаги юқори малакали спортчиларнинг моддалар алмашинувини генетик детерминантланган турлари асосида овқатланиш ҳолатини баҳолаш алгоритминини ишлаб чиқиш;

нутригенетик технологиялар асосида юқори малакали спортчиларнинг овқатланишига индивидуал ёндашув моделини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида турли спорт турлари билан шуғулланадиган 126 нафар юқори малакали спортчилар тайёргарликнинг асосий даврида ва генлар аллелларини баҳолаш учун назорат гуруҳини соғлом, спорт билан шуғулланмайдиган 98 нафар инсонлар, эшкак эшиш спорт тури 31 нафарни, якка кураш спорт тури билан шуғулланадиган 36 нафарни ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** спортчиларнинг генотиплари, уларнинг антропометрик, функционал ва биокимёвий кўрсаткичлари, назорат педагогик тестлари натижалари, овқат рационлари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Нутригенетик технологиялар асосида овқатланиш режимини персонификация қилиш орқали спорт мувоффақиятини оширувчи ёндошувларни ишлаб чиқишда клиник, физиологик, физиоетрик, генетик, инструментал, клиник-биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор қатор спорт турлари бўйича шуғулланувчи юқори малакали спортчиларда моддалар алмашинуви учун масъул ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 каби генлар аллел-генотипик вариантларининг тақсимланиши спорт билан шуғулланмаган шахслар билан қиёсланган ва улар орасида аҳамиятли тафовутлар йўқ эканлиги аниқланган;

ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 генлари аллел-генотипик вариантлари орасида қатор спорт турлари бўйича шуғулланувчи юқори малакали спортчиларнинг морфофункционал ва клиник-лаборатор кўрсаткичлари таҳлил этилиб, жисмоний кўрсаткичлар, оқсиллар, ёғлар ва углеводлар кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган;

моддалар алмашинуви жараёнини генетик типларга бўлиш орқали юқори малакали спортчиларнинг оқсил, ёғ ва углеводлар каби энергия ресурсларига эҳтиёжини аниқлаш, ҳамда персонал ва табақалаштирилган овқат рационини шакллантириш имконияти исботланган;

эшкак эшиш ва яккакураш спорт турлари билан шуғулланувчи юқори малакали спортчиларда тайёргарликнинг асосий даврида индивидуал генетик (нутригенетик) хусусиятлар негизида шакллантирилган овқатланиш рационини қўллаш спортчиларда тезлик-куч, куч ва чидамлилиқ каби жисмоний сифатларни сезиларли даражада ошиши исботланган;

юқори малакали спортчилар моддалар алмашуви учун масъул бўлган генларининг молекуляр генетик таҳлили натижалари ва нутригенетика тамойиллари асосида яратилган персонал овқатланиш ёндашувлари моделини қўллаш эшкак эшиш ва яккакураш билан шуғулланадиган спортчиларнинг спорт натижаларини яхшилаши исботланган;

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

моддалар алмашинуви учун масъул бўлган генларни молекуляр генетик таҳлил қилиш натижалари асосида юқори малакали спортчилар учун индивидуаллаштирилган овқатланиш дастури ишлаб чиқилган;

юқори малакали спортчиларнинг нутритив ҳолатини ҳар томонлама баҳолаш ва коррекция қилиш, спортчиларнинг персоналлаштирилган овқатланишини баҳолаш учун скрининг синови дастурлари ишлаб чиқилган и татбиқ этилган;

тананинг генетик ва фенотипик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда индивидуаллаштирилган рацион тавсияларини аниқлаш учун юқори малакали спортчиларнинг овқатланишини оптималлаштириш алгоритми таклиф қилинди;

юқори малакали спортчиларнинг овқатланиш турини танлашга индивидуал ёндашув ва метаболизм учун масъул бўлган молекуляр генетик

генлар бирикмасининг тадқиқот натижаларини тиббий-биологик таъминлаш тизимига киритиш зарурлиги ва мақсадга мувофиқлигини асослайди

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, физиологик, физиоетрик, генетик, инструментал, клиник-биокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосида нутригенетик технологиялар асосида овқатланиш режимини персонификация қилиш орқали спорт мувоффақиятини оширувчи ёндошувларни ишлаб чиқишни халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли спорт турлари бўйича юқори малакали спортчилар ва спорт билан шуғулланмайдиган шахслар орасида моддалар алмашинувини таъминлашга қаратилган генларнинг ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 аллел-генотипик вариантларининг тақсимланиш даражаси, спортчилар орасида моддалар алмашинуви жараёни билан боғлиқ бўлган генларнинг полиморфизми ҳамда эшкак эшиш ва якка кураш спортига ихтисослашган спортчиларнинг овқатланиш тартиби ва индивидуал ёндашувининг назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, тадқиқот натижалари нутригенетик, морфо-функционал, клиник, лаборатория ва инструментал тадқиқотларни баҳолаш асосида юқори малакали спортчиларнинг овқатланишини шахсийлаштириш; спортчиларнинг шахсий овқатланишини баҳолаш учун йиллик ўқув-машғулот йиғинлари ва скрининг тестлари доирасида юқори малакали спортчиларнинг овқатланиш ҳолатини комплекс баҳолаш бўйича электрон дастурлар асосида спортчилар саломатлиги ва жисмоний тайёргарлигини мониторинг қилиш бўйича амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази эксперт кенгашининг 2024 йил 6 февралдаги 4-сон хулосасига кўра (илмий янгиликларни Ўзбекистон бокс, дзюдо федерациялари, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг илм-фан таълим бошқармасига жорий этиш бўйича Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказининг 2023 йил 20 сентябрдаги 207-сонли хати юборилган):

**Биринчи илмий янгиликнинг моҳияти:** илк бор қатор спорт турлари бўйича шуғулланувчи юқори малакали спортчиларда моддалар алмашинуви учун масъул ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 каби генлар аллел-генотипик вариантларининг тақсимланиши спорт билан шуғулланмаган шахслар билан қиёсланган ва улар орасида аҳамиятли тафовутлар йўқ эканлиги аниқланган.

**Илмий янгиликнинг аҳамияти:** ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 генларининг аллел-генотипик вариантларини тақсимлаш натижалари спортчилар метаболизмининг генетик хусусиятларини аниқлайди ва амалий тиббиётда овқатланишга индивидуал ёндашиш, шунингдек, спорт

жароҳатлари олдини олиш мақсадида фойдаланиш мумкин. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** турли спорт турларида юқори малакали спортчиларининг нутригенетик хусусиятларини таҳлил қилиш усули Ўзбекистон бокс федерацияси ва дзюдо федерацияси спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлар амалиётига татбиқ этилди (Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказ эксперт кенгашининг 2023 йил 16 ноябрдаги 5-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** организмдаги метаболик жараёнларнинг турини аниқлаш орқали генетик тадқиқот маълумотларидан фойдаланиш спорт билан шуғулланадиган ва спорт билан шуғулланмайдиган контингентларга тиббий ёрдам сифатини оширади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** тиббий-иқтисодий мезонларга кўра вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик кунларини қисқартиришдан иборат бўлиб, бу ошқозон-ичак тизими патологияси бўйича 7,1% ни ташкил этди. Иқтисодий самарадорликни (ИС) ҳисоблаш (Искандаров Т.И., 2005) стандарт формуладан фойдаланган ҳолда ҳар бир спортчи учун алоҳида ҳисобланди. **Хулоса:** моддалар алмашинувига масъул бўлган генларнинг бир марталик генетик таҳлилинини жорий этиш натижасида бир спортчининг меҳнатга лаёқатсизлиги кунлар сони камайди ва ошқозон-ичак тизими касалликлари билан оғриган спортчини даволаш ва реабилитация қилиш учун сарфланган 2 820 000 сўм миқдоридан ИСга эришилди, тиббий ёрдам учун кўшимча харажатлар бундан мустасно.

**Иккинчи илмий янгиликнинг моҳияти:** ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 генлари аллел-генотипик вариантлари орасида қатор спорт турлари бўйича шуғулланувчи юқори малакали спортчиларнинг морфофункционал ва клиник-лаборатор кўрсаткичлари таҳлил этилиб, жисмоний кўрсаткичлар, оксиллар, ёғлар ва углеводлар кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлик мавжудлиги аниқланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** спортчининг генетик ва морфо-функционал профили ўртасидаги боғлиқликнинг мавжудлиги самарали машғулотлар ва овқатланиш дастурларини яратиш учун асосдир. Бу, шунингдек, бошқа шахслар учун уларнинг генетик хусусиятига асосланган овқатланиш ва машқларни оптималлаштиришга ёрдам беради, бу охир-оқибатда умумий саломатликни яхшилашга ва касалликларнинг олдини олишга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** турли спорт турларида юқори малакали спортчиларнинг метаболизм учун масъул генлар панелини таҳлил қилиш усули жорий этилди. Ўзбекистон бокс федерацияси ва дзюдо федерацияси спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлар амалиётига татбиқ этилди (Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказ эксперт кенгашининг 2023 йил 16 ноябрдаги 6 сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** олинган тадқиқот натижаларидан фойдаланиш мамлакатимиз спортчиларининг рацион ва спорт машғулоти дастурларини индивидуаллаштириш ҳамда халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** Ноаниқлик омили хавфи (жароҳатлар, ортикча юкламалар (овертренинг), умумий жисмоний кўрсаткичларнинг пасайиши ва бошқалар)

ўқув машғулоти йиғинлари шароитида ва мусобақаларда, машғулотлар пайтида камаяди, бу ҳар бир спортчи учун вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик кунларини сонини камайтиради. **Хулоса:** Спорт федерациялари диетологлари амалиётга спортчининг овқатланишини индивидуаллаштириш бўйича тавсияларнинг киритилиши натижасида ортиқча чарчоқ ва ортиқча машғулотлар билан боғлиқ жароҳатлар сони камайди. Ҳар бир спортчи учун йилига 4630000 сўмлик қўшимча тиббий хизматлар учун ҳаражатларни камайтиришга эришилди.

**Учинчи илмий янгиликнинг моҳияти:** моддалар алмашинуви жараёнини генетик типларга бўлиш орқали юқори малакали спортчиларни оқсил, ёғ ва углеводлар каби энергия ресурсларига эҳтиёжини аниқлаш, ҳамда персонал ва табақалаштирилган овқат рационини шакллантириш имконияти исботланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** юқори малакали спортчиларнинг спорт кўрсаткичларини яхшилаш, машғулотлар ва мусобақалардан сўнг тикланиш вақтини қисқартириш учун уларнинг генетик профили асосида самарали индивидуаллаштирилган овқатланиш дастурини яратиш. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** юқори малакали эшкак эшувчилар ва яккакураш спортчилар рационининг озуқавий қийматини таҳлил қилиш усули нутригенетик хусусиятларини таҳлил қилиш усули Ўзбекистон бокс федерацияси ва дзюдо федерацияси спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлар амалиётга жорий ва татбиқ этилди (Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказ эксперт кенгашининг 2023 йил 16 ноябрдаги 6 сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** шундан иборатки, юқори малакали спортчилар учун индивидуал овқатланишни жорий этиш уларнинг спорт маҳоратини оширади ва соғлиғини сақлайди, шунингдек, мамлакатимиз спортчиларининг халқаро майдондаги мавқеини мустахкамлашга хизмат қилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** турли ихтисосликдаги спортчиларнинг (эшкак эшувчилар ва яккакурашчилар) жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари уларни яхшилаш учун маълум қўшимча шарт-шароитларни талаб қилади. Анъанавий тарзда (ўз организмидаги метаболизмнинг генетик хусусиятларини ҳисобга олмаган ҳолда) овқатланадиган спортчиларнинг мусобақаларда спорт натижадорлигини ошмаслиги аниқланди. Машғулоти пайтида ҳаддан ташқари машқ қилиш хавфи 12-18% гача кўтарилиши исботланган. Аниқланишича, спортчиларни қўшимча соғломлаштириш учун спорт федерациялари бюджетидан ҳар бир спортчига йилига ўртача 536370 сўм маблағ сарфланади. **Хулоса:** спортчиларнинг овқатланишига индивидуал ёндашувни жорий этиш уларнинг спортга тайёргарлик даражасини оширади ва жароҳат олиш хавфини камайтиради, яъни ҳар бир спортчига ўртача 536370 сўм тежалади. **Тўртинчи илмий янгиликнинг моҳияти:** эшкак эшиш ва яккакураш спорт турлари билан шуғулланувчи юқори малакали спортчиларда тайергарликнинг асосий даврида индивидуал генетик (нутригенетик) хусусиятлар негизида шакллантирилган овқатланиш рационини қўллаш спортчиларда тезлик-куч, куч ва чидамлилиги каби

жисмоний сифатларни сезиларли даражада ошириши исботланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** ҳар бир спортчининг тезлиги ва кучи, чидамлилиги бўйича машғулот даражасини ошириш учун оптималлаштирилган овқатланиш турини аниқлашдан иборат. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** юқори малакали спортчилар учун индивидуал диетани танлаш усули Ўзбекистон бокс федерацияси ва дзюдо федерацияси спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлар амалиётига татбиқ этилди (Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказ эксперт кенгашининг 2023 йил 16 ноябрдаги 6-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** спортчининг индивидуал генетик (нутригенетик) хусусиятларига асосланган рациондан фойдаланиш мураббийлар ва спорт диетологлари фаолиятида машғулот жараёнини яратишда катта аҳамиятга эга. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** интенсив машқлар циклидан кейин спортчиларнинг тикланиши учун тиббий ва биологик хизматлар сонини (сарфини) камайтиришдан иборат. Иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш генетик жиҳатдан аниқланган рацион турлари ва спорт федерациялари диеталари (стандарт меню) бир спортчига формуладан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. **Хулоса:** Юқори малакали спортчилар учун унинг энергия қийматини оксиллар, ёғлар ва углеводларда шакллантириш орқали индивидуаллаштирилган овқатланишнинг жорий этилиши натижасида федерация томонидан ажратилган бир спортчи учун озиқ-овқатга иқтисод қилинган маблағ ойига 428350 сўмни ташкил этди.

**Бешинчи илмий янгиликнинг моҳияти:** юқори малакали спортчилар моддалар алмашуви учун масъул булган генларининг молекуляр генетик таҳлили натижалари ва нутригенетика тамойиллари асосида яратилган персонал овқатлантириш ёндашувлари моделини қўллаш эшкак эшиш ва яккакураш билан шуғулланадиган спортчиларнинг спорт натижаларини яхшилаши исботланган. **Илмий янгиликнинг аҳамияти:** спортдаги муваффақиятлар даражасини ошириш ва турли касалликлар ривожланишининг олдини олиш учун эшкак эшиш ва яккакураш спорт турларига ихтисослашган юқори малакали спортчиларнинг генетик профилини ҳисобга олган ҳолда овқатланиш тизимини оптималлаштиришдан иборат. **Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши:** турли ихтисосликдаги юқори малакали спортчиларнинг режими ва рационига шахсий ёндашув усули Ўзбекистон бокс федерацияси ва дзюдо федерацияси спорт шифокорлари, спорт диетологлари ва мураббийлар амалиётига татбиқ этилди (Республика спорт тиббиёти илмий амалий марказ эксперт кенгашининг 2023 йил 16 ноябрдаги 6-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** спорт жамоалари ва мураббийлар амалиётида нутригенетика тамойилларига асосланган спортчиларнинг овқатланишига индивидуал ёндашувлар моделини қўллаш янада самарали овқатланиш дастурларини ишлаб чиқишга ва уларнинг спортчиларининг натижаларини яхшилашга ёрдам беради. **Илмий**

**янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** қуйидагилардан иборат: турли ихтисосликдаги юқори малакали спортчиларнинг режими ва овқатланишига шахсийлаштирилган ёндашувнинг ишлаб чиқилган моделини жорий этиш орқали барча ҳаражатлар ва мумкин бўлган фойда ҳисобга олингандан сўнг умумий иқтисодий фойда баҳоланди. **Хулоса:** Юқори малакали спортчиларнинг режими ва овқатланишига шахсий ёндашувнинг ишлаб чиқилган моделига асосланиб, ҳар бир спортчи учун умумий ойига 1093881 сўмдан иқтисод қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 9 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 15 та мақола, жумладан, 11 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, етти боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқот ишининг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологиялар ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Юқори малакали спортчилар учун персоналлаштирилган овқатланишни шакллантириш муаммолари»** деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили берилди, муаммонинг замонавий ҳолати ўрганилди ва спортчиларнинг нутриент статуси тўғрисида илмий-амалий маълумотлар ёритилди, шунингдек, нутритив статусни баҳолашга замонавий ёндашувлар масаласи, организмнинг ривожланиш ва ўсиш жараёнида адекват овқатланишнинг аҳамияти ва турли спорт туридаги юқори тоифали спортчиларининг энергия сарфлаши муҳокама қилинди.

Диссертациянинг **«Нутригенетик технологиялар асосида овқатланиш режимини персонификация қилиш орқали спорт мувоффақиятини оширувчи ёндошувларни ишлаб чиқишнинг материал ва усуллари»** бобида тадқиқот материални ташкил қилувчи

ўранилаётган контингент (спортчилар) тавсифи очиб берилди, мазкур иш жараёнида фойдаланилган усуллар тўғрисида тўлиқ маълумот берилди. Ишнинг дизайни бир неча босқичлардан иборат:

биринчи босқич гипотезани шакллантириш ва ушбу тадқиқотнинг асосий йўналишларини танлаш учун турли манбалардан олинган адабиёт маълумотларни кўриб чиқиш ва таҳлил қилишда муаммоли вазиятни аниқлашдан иборат эди, шунингдек 2019-2020 йиллар мобайнида Ўзбекистон МОҚ қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтган Ўзбекистоннинг турли спорт федерацияси юқори тоифали спортчиларининг шифокор-назоратидаги карталари бўйича ретроспектив тадқиқотлар амалга оширилди;

иккинчи босқич спортчилар ва спортчи бўлмаганлар орасида ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 генларининг аллел-генотипик ўзгаришларини ташувчисини аниқлаш, метаболизм учун масъул бўлган генларнинг олинган ўзгаришлари диапазонини таҳлил қилиш, уларнинг морфофункционал кўрсаткичлар ва юқори малакали спортчиларда овқатланиш ҳолати даражаси билан боғлиқлигини аниқлашдан иборат эди. (истикболли тадқиқот)


учинчи босқичида метаболизмнинг генетик жиҳатдан аниқланган турларига қараб спортчилар танасининг клиник-лаборатор ва функционал параметрларининг қиёсий таҳлили ўтказилди (эмпирик тадқиқот);

тўртинчи босқичда спортчиларнинг овқатланиш ҳолатини баҳолаш алгоритми ва тиббий-биологик ва клиник-лаборатор тадқиқотлари, шунингдек молекуляр генетик таҳлил натижалари асосида овқатланишни персоналлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди;

бешинчи босқич метаболизмнинг генетик жиҳатдан аниқланган турлари асосида ишлаб чиқилган юқори малакали спортчилар учун персоналлаштирилган овқатланишни апробация қилишни ўз ичига олди (экспериментал ва услубий тадқиқотлар);

ушбу тадқиқотнинг олтинчи босқичида спортчиларнинг тана ҳолатини такрорий комплекс тиббий ва биологик баҳолаш ўтказилди.

Тадқиқот Ўзбекистон Республикаси Миллий Олимпия қўмитаси қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий маркази ва Ўзбекистон спорт федерацияларининг ўқув-машғулот базаларида ўтказилди. Тадқиқотда яккакураш (эркин кураш, дзюдо, бокс, таэквондо – I-гуруҳ), эшкак эшиш (бошқарув спорт тури) (II-гуруҳ), мураккаб мувофиқлаштирувчи (бошқа) спорт тури (бадий ва спорт гимнастикаси, синхрон сузиш – III – гуруҳ) бўйича ихтисослашган 126 нафар юқори малакали эркак ва аёл спортчилар (КМС, МС ва МСМК) иштирок этишди. Сўровда қатнашганлар орасида 85 эркак ва 41 аёл спортчи (1-расм).



**1-расм. Ўрганилаётган гуруҳ тавсифи**

Мазкур тадқиқотда белгиланган мақсад ва вазифасига кўра, юқори тоифали спортчиларнинг нутригенетик ҳолатини баҳолаш дастури ишлаб чиқилди. Тадқиқотда босқичли дастурни бажариш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: - спортчиларнинг морфометрик маълумотларини баҳолаш; спортчиларнинг ҳақиқий овқатини уч ҳафта мобайнидаги мониторинги ва тақсимланган таомнома-тақсимотини аниқлаш; клиник-лаборатор текшируви (ионограмма, қон биокимёси, гормонал ҳолатини аниқлаш). Спортчиларнинг нутритив ҳолатини аниқлаш учун ўсиш, тана вазни, тинч ҳолатда кўкрак қафаси айланаси, биоимпедансометрия, қўлнинг икки бармоқлари динамометрияси, ҳисоблаб чиқиш усулида тана вазни индекси (ТВИ), Ливи ва Мануврия индекслари аниқланди.

Жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш учун назорат машқларининг стандарт тўплами танланди (60м, 2000 мга югуриш, турникда тортиниш, турган жойидан узоққа сакраш).

ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 генлари вариация диапазонининг таҳлили учун спортчиларнинг қон намуналари нутригенетик усулда текширилди. Спортчилар генотипини аниқлаш материаллари ва усуллари «GeneAmp® ПЦР – ABI 7500 Fast Real-Time PCR» ускунаси, сувнинг 2 турини - arium advance edi олиш учун «Qubit® 2.0»дан фойдаланилди.

Олинган маълумотлар ўрта арифметик (M), ўрта квадрат оғиш (y), стандарт хато (m), нисбий баландлик (% частотаси)ни ҳисоблаш билан статистик таҳлилнинг амалий дастур пакетидан фойдаланиб, статистик қайта

ишланди. Статистик аҳамиятли ўзгариш  $P < 0,05$  ишончлилик даражаси деб қабул қилинди.

Диссертациянинг «Спортнинг ҳар хил турлари билан шуғулланувчи спортчилар моддалар алмашинувига масъул генлар аллел-генотип вариантларининг тавсифи» деб номланган учинчи бобида ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 генлар полиморфизмлари генотиплари ва аллеллар тақсимланишининг асосий гуруҳ (спортчилар,  $n = 126$ ) ва назорат гуруҳининг (спортчи бўлмаганлар,  $n = 98$ ) қиёсий қўтилаётган ҳамда қўзатилаётган частотаси оғишларининг ҳисоблаш натижалари берилди.

Асосий ва назорат гуруҳларида rs1801282 полиморфизми C/C, C/G ва G/G генотипик вариантларининг тақсимланиш частотаси: 74,6% ва 24,6%, 0,8% га нисбатан 63,3%, 33,7% ва 3%ни мос ҳолда ташкил қилади (1 -жадвал). Асосий гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан C/C ёввойи генотипнинг ошишга мойиллиги аниқланди (74.6% га нисбатан 63.3%;  $\chi^2 = 3,4$ ;  $p = 0,10$ ; OR=1,2; 95%CI=0,68 - 2,05). Гетерозигот генотип C/G ишончсиз тарзда асосий гуруҳга қараганда назорат гуруҳида учради (33.7% га нисбатан 24.6%,  $\chi^2 = 2,2$ ;  $p = 0,7$ ; OR=0,6; 95%CI:0,36-1,15). Назорат гуруҳидаги ноқулай гомозигот генотип G/G улушини асосий гуруҳга нисбатан ошириш тенденцияси мавжуд эди (мос равишда 3% ва 0,8%).

#### 1-жадвал

#### Асосий ва назорат гуруҳларида ADRB2, ADRB3, PPARG2, FABP2 полиморфизм генотиплари ва аллелларининг тақсимланиш частотаси

№	Гуруҳ	Аллеллар частотаси				Генотиплар тақсимланиш даражаси					
		rs1801282 гена PPARG2									
		C		G		C/C		C/G		G/G	
n	%	n	%	n	%	n	%	n	%	n	%
1	Асосий (n=126)	157	80,1	39	19,9	62	63,27	33	33,67	3	3,06
2	Назорат (n=98)	71	91,03	7	8,97	32	82,05	7	17,95	0	0
		rs1042714 в гене ADRB2									
		C		G		C/C		C/G		G/G	
1	Асосий (n=126)	219	86,9	33	13,1	94	74,6	31	24,6	1	0,79
2	Назорат (n=98)	157	80,1	39	19,9	62	63,27	33	33,67	3	3,06
		rs1042713 в гене ADRB2									
		A		G		A/A		A/G		G/G	
1	Асосий (n=126)	143	56,75	109	43,25	38	30,16	67	53,17	21	16,67
2	Назорат (n=98)	102	52,0	94	48,0	23	23,5	56	57,1	19	19,4
		rs4994 в гене ADRB3									
		T		C		T/T		T/C		C/C	
1	Асосий (n=126)	227	90,08	25	9,92	102	80,95	23	18,25	1	0,79
2	Назорат (n=98)	175	89,29	21	10,71	79	80,61	17	17,35	2	2,04
		rs1799883 в гене FABP2									
		G		A		G/G		G/A		A/A	
1	Асосий (n=126)	196	77,78	56	22,22	78	61,9	40	31,75	8	6,35
2	Назорат (n=98)	165	84,18	31	15,82	71	72,45	23	23,47	4	4,08

Асосий гуруҳда ва назорат гуруҳида танлашда rs1042714 полиморфизми C/C, C/G ва G/G генотипик вариантларининг тақсимланиш частотаси 53.2% ва

39.7% ҳамда 7.1% га нисбатан 64.3%, 29.3% ва 6.1%, ташкил қилади (1 жадвал). Асосий гуруҳга нисбатан назорат гуруҳида С/С ёввойи генотипининг ошишига мойиллиги аниқланди (64.3% га нисбатан 53.2%;  $\chi^2=2,8$ ;  $p = 0,1$ ;  $RR=0,8$ ;  $95\%CI=0,53-1,29$ ;  $OR=0,6$ ;  $95\%CI=0,37-1,08$ ). Гетерозигот генотип С/С назорат гуруҳига қараганда асосий гуруҳда ишончсиз учради (39.7% га нисбатан 29.6%,  $\chi^2=2,5$ ;  $p=0,2$ ;  $RR=1,3$ ;  $95\%CI=0,86-2,1$ ;  $OR=1,6$ ;  $95\%CI=0,89-2,74$ ). Назорат гуруҳидаги ноқулай гомозигот генотип G/G улушини назорат гуруҳига нисбатан ошириш тенденцияси мавжуд эди (мос равишда 7,1% ва 6,1%).

Асосий ва назорат гуруҳларидан саралашда rs1042713 полиморфизми А/А, А/С ва С/С генотипик вариантларининг тақсимланиш частотаси 30,2%, 53,2% ва 16,7% га нисбатан 23,5%, 57,1% ва 19,4% ни ташкил қилди (1 жадвал). Назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда А/А ёввойи генотипининг ошишга мойиллиги аниқланди (30,2% га нисбатан 23,5%;  $\chi^2=1,2$ ;  $p = 0,3$ ;  $RR=1,3$ ;  $95\%CI=0,8-2,06$ ;  $OR=1,4$ ;  $95\%CI=0,77-2,57$ ). Гетерозигот генотип А/С асосий гуруҳга қараганда назорат гуруҳи орасида ишончсизлик кўп учради (57,1% га нисбатан 53,2%, мос ҳолда  $\chi^2=0,4$ ;  $p=0,6$ ;  $RR=0,9$ ;  $95\%CI=0,59-1,46$ ;  $OR=0,9$ ;  $95\%CI=0,5-1,45$ ). Асосий гуруҳга қараганда назорат гуруҳида G/G ноқуш гомозигот генотип улушининг ошишга мойиллиги кузатилди (19,4% га нисбатан 16,7%, мос ҳолда).

Асосий ва назорат гуруҳларида саралашда rs4994 полиморфизм Т/Т, Т/С ва С/С генотипик вариантларининг тақсимланиш частотаси 81%, 18,3% ва 0,8% га нисбатан 80,6%, 17,3% ва 2% ни мос ҳолда ташкил қилди (1 жадвал). Назорат гуруҳига нисбатан асосий гуруҳда Т/Т ёввойи генотипининг сезилмас даражада ошишига мойиллиги аниқланди (81% га нисбатан 80,6%, мос ҳолда;  $\chi^2<3,84$ ;  $p = 0,95$ ;  $OR=1$ ;  $95\%CI=0,52 - 2$ ). Назорат гуруҳига қараганда асосий гуруҳда Т/С гетерозигот генотип ишончсизлик кўп учради (18,3% га нисбатан 17,3%, мос ҳолда  $\chi^2<3,84$ ;  $p=0,9$ ;  $OR=1,1$ ;  $95\%CI:0,53-2,12$ ). Назорат гуруҳидаги ноқулай гомозигот генотип С/С улушини асосий гуруҳга нисбатан ошириш тенденцияси мавжуд (2% нисбатан 0,8% мос равишда).

Асосий гуруҳ спортчилари ва назорат гуруҳида сараланган спортчиларда rs1799883 полиморфизми G/G, G/A ва А/А генотипик вариантларининг тақсимланиш частотаси 61,9%, 31,75% ва 6,35% га нисбатан 72,4%, 23,5% ва 4,1% ни мос ҳолда ташкил қилди (1 ва 2 жадваллар). Асосий гуруҳга нисбатан назорат гуруҳида G/G ёввойи генотипининг ошишга мойиллиги аниқланди (72,6% га нисбатан 61,9%, мос ҳолда  $\chi^2=2,8$ ;  $p=0,10$ ;  $OR=0,9$ ;  $95\%CI=0,35-1,09$ ). Назорат гуруҳига қараганда асосий гуруҳ орасида G/A гетерозигот генотипи ишончсиз кўп учради 31,75% га нисбатан 23,5%, мос ҳолда  $\chi^2=1,9$ ;  $p=0,2$ ;  $OR=1,5$ ;  $95\%CI:0,83-2,76$ ). Назорат гуруҳига таққосланганда асосий гуруҳда А/А ноқуш гомозигот генотип улушининг ошишга мойиллиги аниқланди (6,3% га нисбатан 4,1% мос ҳолда).

